

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 16/09

Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринда "Буюртмачи") номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар С.Ю.Умирзоков бир томондан ва МЧЖ "Янгийул туман қурилиш-монтаж ва таъмирлаш хизмати" (кейинги ўринларда "Пудратчи") номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Холмушинов иккинчи томондан, «Тошкент вилояти, Янгийул тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли Қирғизлик ҚОН бېносини хола ва фасад қисмида жорий таъмирлаш» ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли қонунига асосан [xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz) махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 147783) эълон қилинган ва Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси харид комиссиясининг 2022 йил 15 сентябрдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчи*га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилган ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилди;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

## II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчи*га жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган даромаддан орттириб бажарилган маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нарҳларда шартноманинг умумий қиймати 129 000 000 (Бир юз йлгирма тўққиз миллион) сумни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилган 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини қўлайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми *буюртмачи* томонидан ўзгартirilганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча қелишув билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тулқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарини ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини

қонлаш учун объектининг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* руҳсати билан йўналтириши мумкин;

-объектининг ижро ҳужжатларини расмийлаштириши ва *буюртмачига* топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлагилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрисида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшагани;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектининг фойдаланишига тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган кундан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосан равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мувожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан *пудратчига* молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджетмаблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдоринда бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизгача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

## VII. ТҶЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак (аванс) маблағи ўтказди.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажарилган ишлар миқдоридан фонз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вақтинчи - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вақтинчи (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларининг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектининг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотин *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молдйлаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларида шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тури (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолоатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси ақс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга руҳсат берилади. Далолоатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилнган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва хоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

*Пудратчининг* мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчи*да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилилишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қондалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузагуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, *Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ махсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиш соҳасидаги амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, қурилиш нормалари ва*

қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриши ва таъмирлаш объектиларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқашига ихтисослашган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хулосаларини олиш талаб қилинади.

2). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). Ички йўллари жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гуруҳига куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочиларни кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- 11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган найтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишини;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилувигача қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддаг ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўнайган ҳолда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-конун ҳужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартнома бекор қилинганга қарор қилган томон ушбу бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришшома юборди.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа конун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *бўйртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкний жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*бўйртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *бўйртмачи* *пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Бўйртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *бўйртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчининг* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктирилган туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *Бўйртмачи* *Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Бўйртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Бўйртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

#### XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *бўйртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Бўйртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тушди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз ваъдаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

#### XVII. Коррупцияга қарши курашни бўйича бандлар

17.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши курашни қондаларига, шу жумладан амалдаги қонуни ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди; уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани бажариш бўйича нора бериш ёки олиш, норахўрликда посетачлик қилиш, давлат органи, давлат ишгиросидаги ташкилот ходимига нора беришдан пот кечиниларини таъминлаш ёки молдний ёки номолдний фойда олиш ҳамда томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришни қишлоқлайди.

17.2. Коррупцияга қарши кураш қондалари бузилган ёки асосли шубҳалар юзага келган тақдирда томонлар бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (антисоррупцион@шукс.уз) электрон почта орқали ёки телефон орқали (+9978-140-74-48) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма тўшунтириш талаб қилинганда ҳақли. Мурожаатни қабул қилган Томон еса 10 (ўн) иш куни ичида ўз фикрини билдиришни ёки иттиҳ беришни мумкин.

17.3. Ушбу банддаги талаблар бажарилмаганда, шу жумладан, коррупция ҳаффини белгиланган муддатда бартараф этиш, тарафлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келадиган чоралар кўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туришига ҳақли.

#### XVIII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

18.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

##### БҮҮЮРТМАЧИ

Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси  
Янгийул т., Халкабод, Гунча кучаси 10-уй  
Х.р: 100022860272597073101054003  
ИНН: 200588189 ОКЭД: 86100  
Янгийул тумани Газначилик булинмаси  
Х.р: 23402000300100001010  
Тошк.ш. МБ ХККМ  
ИНН: 201122919 МФО: 00014


Рахбар: \_\_\_\_\_ С.Ю.Умирзоков

##### ПУДРАТЧИ

YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ  
VA TA'MIRLASH XIZMATI» МЧЖ  
Тошкент вил.Янгийул тум.Гулбахор ш.  
Ш.Рашидов кучаси 2уй.  
Х.р: 20208000005154950001  
АТ «Халк банк» Янгийул фил.  
МФО: 00777 ИНН: 306959558  
ОКОНХ: 81100. Тел.+998 99 771 07 70

Рахбар: \_\_\_\_\_ А.Холмуштин



	<b>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SANJARBOY UMIRZOKOV YULDASHALIYEVICH
	Imzolangan sana	26 сен 2022 07:13
	Hujjat kodi	EZ0786456412
	Hulosa kodi	DI7054643423



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yundik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" MChJ

(Yundik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, hoshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.12.2019

792810

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Sollq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306959558

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, Gulbahor, SH.RASHIDOV, 2,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 147783 на приобретение «Тошкент вилояти, Янгийул тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Кирсадак КОП биносини хона ва фасад кисмида жорий таъмирлаш».**

Способ проведения электронный

Дата 15.09.2022

Время рассмотрения 15.09.2022 15:52

Закупочная комиссия Янгийул туман Тиббиёт Бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	UMIRZOKOV SANJARBOY YULDASHALIYEVICH	Бош шифокор	Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Секретарь комиссии</b>	ABDULLAYEVA SHAXZODA SHARIFOVNA	Котиба	Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	GAPPAROV ABROR NURMATJANOVICH	Хужалик ишлари булими мудир	Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	DEXKANBOYEVA SHOXIDA MUXTAROVNA	ЯТТБ Катта хамшираси	Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	SHAVKATULLAYEV AZIZ SHAVKATULLAYEVICH	Бош хисобчи	Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	USMANOV ISLAMJAN UTKIROVICH	ЯТТБ даволаш ишлари муовини	Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.09.2022 года № лота 147783.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту зданий</b>
Подробное описание	«Тошкент вилояти, Янгийул тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Кирсадак КОП биносини хона ва фасад кисмида жорий таъмирлаш».
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	130 000 000.00
Стартовая сумма	130 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хати.

Тип: Текстовое значение



Описание: Ишлатиладиган товар ва хом ашёларнинг сифати, кафолат муддати, ўрнатиладиган қурилмаларга 18 (Ўн саккиз) ой давомида кафолат бериши ва шу муддат ичида бепул техник хизмат кўрсатиш кафолати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	20	Текстовое значение	20	Экспертная		
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	20	Текстовое значение	20	Экспертная		

Критерий №2 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Эълон амал қилиш даврида иштирокчининг Давлат Солиқ Инспекциясидан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида хужжатлар (танлов бошланиш даврига).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	20	Текстовое значение	20	Экспертная		
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	20	Текстовое значение	20	Экспертная		

Критерий №3 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Эълон амал қилиш даврида иштирокчининг Давлат Солиқ Инспекциясидан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида хужжатлар (танлов бошланиш даврига).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	20	Текстовое значение	20	Экспертная		
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	20	Текстовое значение	20	Экспертная		

Критерий №4 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотга хизмат кўрсатувчи банкдан 2022 йил танлов бошланиш даврига айланма обороти ва картотека-2 да қарз мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	20	Текстовое	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		значение				
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	20	Текстовое значение	6	Экспертная		

Критерий №5 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг техниклари тўғрисида маълумот (Маълумотлар илова қилинган холда).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	20	Текстовое значение	5	Экспертная		
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	20	Текстовое значение	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	130 000 000.00	130 000 000.00 UZS	130 000 000.00	00.00	130 000 000.00	14.09.2022 18:45:07	0
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	130 000 000.00	129 000 000.00 UZS	129 000 000.00	00.00	129 000 000.00	14.09.2022 18:56:15	0

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>Махмуд элбеги МЧЖ</b>	70	0	70
<b>ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI</b>	73	0	73

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 147783 от 15.09.2022 года на приобретение «Тошкент вилояти, Янгийул тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Кирсадак КОП биносини хона ва фасад кисмида жорий таъмирлаш». определила победителем:

ООО YANGIYO`L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH XIZMATI  
306959558

и резервный исполнитель: Махмуд элбеги МЧЖ (306461349)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	UMIRZOKOV SANJARBOY YULDASHALIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	GAPPAROV ABROR NURMATJANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DEKCANBOYEVA SHOXIDA MUXTAROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SHAVKATULLAYEV AZIZ SHAVKATULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	USMANOV ISLAMJAN UTKIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



"РАСДИКЛАЙМАН"  
 Янгийул тумани Тиббиёт  
 бирлашмаси бош шифокори  
 С.Ю.Умирзоков

БАЁННОМА № 17

Янгийул тумани

"19" сентябр 2022 йил

Раислик қилувчи:

ЯТТБ Бош шифокори:

С.Ю.Умирзоков

Қатнашчилар:

комиссия аъзолари

(И.Усмонов, А.Шавкатуллаев, Ш.Дехканбаева, А.Гаппаров, Ш.Абдуллаева)

### КУН ТАРТИБИ

«Тошкент вилояти, Янгийул тумани Тиббиёт бирлашмасига қаршли Кирсадак КОП биносини хона ва фасад қисмида жорий таъмирлаш» буйича

2022 йил 15.09 даги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган «Тошкент вилояти, Янгийул тумани Тиббиёт бирлашмасига қаршли Кирсадак КОП биносини хона ва фасад қисмида жорий таъмирлаш» баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан МЧЖ "YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684-сон Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баёнпома буйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 15 сентябрдаги баённомасига асосан МЧЖ "YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

И.Усмонов  
 А.Шавкатуллаев  
 Ш.Дехканбаева  
 А.Гаппаров  
 Ш.Абдуллаева



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI  
YANGIYO‘L TUMAN HOKIMI  
F A R M O Y I S H I**

2022 - yil 4 - avgust

154-10-146-F/22

Yangiyo‘l tuman hokimligi

**Mablag‘ ajratish to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksi va “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi Qonuni hamda Tuman Oila va xotin qizlar bo‘limi boshlig‘i N.Normizayevalarning bildirgisini inobatga olib,

1. Yangiyo‘l tumani Qirsadoq mahallasidagi Oila markazini joriy ta‘mirlash maqsadida 130,0 mln. (bir yuz o‘ttiz million) so‘m pul mablag‘i tuman mahalliy budjetining 2022-yil II-choragining daromadlar rejasini orttirib bajargan qismi hisobidan tuman Tibbiyot birlashmasiga ajratilsin.

2. Tuman hokimining o‘rinbosari M.Qayumov hamda tuman Tibbiyot birlashmasining bosh shifokori (S.Umirzokov) belgilangan tartibda ishlarni amalga oshirish shuningdek, ajratilgan mablag‘larni manzilli va maqsadli ishlatilishini ta‘minlasinlar.

3. Tuman hokimligi Moliya bo‘limi (N.Musurmonqulov) tegishli hujjatlarni rasmiylashtirishni, G‘aznachilik bo‘linmasi (Sh.Nishonboev) to‘lovlarni o‘z vaqtida amalga oshirilishini ta‘minlasinlar.

4. Xalq deputatlari Yangiyo‘l tumani Kengashi kotibiyati (J.Bohodirov) O‘zbekiston Respublikasining “2022-yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to‘g‘risida”gi O‘RQ-742-son qonuni talablariga muvofiq Xalq deputatlari tuman Kengashi sessiyasiga tasdiqlash uchun kiritsin.

5. Mazkur farmoyish bajarilishini nazorat qilishni o‘z zimmamda qoldiraman.

Tuman hokimi



U.Yalgashev

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyiyaning turi. Shartnoma.
2. Loyiyaning nomi.

Yangiyo'l tuman Tibbiyot birlashmasi (buyurtmachi) va "Yangiyo'l tumani qurilish montaj va ta'mirlash xizmati" MChJ (pudratchi) o'rtasida Yangiyo'l tumani Tibbiyot birlashmasiga qarashli Qirsadag' QOP binosining xona va fasad qismini joriy ta'mirlash maqsadida shartnoma loyihasi tuzilgan. Shartnomaning umumiy qiymati 129 000 000 (bir yuz yigirma to'qqiz million) so'm.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Toshkent viloyati Yangiyo'l tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va Markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 20.09.2022 yilda kiritilgan. Hujjat raqami EZ0786456412.

4. Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda 1998-yil 29-avgustdagi 670-I-sonli "Xojalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi. Shuningdek, loyihaga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilganda, Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "DAVLAT XARIDLARI TO'G'RISIDA"gi Qonunining 62-moddasi talabiga ko'ra o'tkazilgan tanlashni o'tkazish natijalariga asosan tuzilgan bayonnomasi 24.08.2022 yildagi № 147783-lot bo'yicha "Yangiyo'l tumani qurilish montaj va ta'mirlash xizmati" MChJ g'olib deb topilgan.

Yuqorida keltirilganlarga hamda huquqiy ekspertiza natijalariga asosan,

### XULOSA:

**Birinchidan,** Loyiha va unga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilgandan so'ng amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq degan xulosaga kelindi;

**Ikkinchidan,** Tibbiyot birlashmasi xarid komissiyasining faoliyatining tashkil qilinishi hamda baholash mezonlarining to'g'ri o'tkazilganligi hamda komissiya a'zolarining elektron ovoz berishdagi ishtiroki to'grisidagi masalalar yuzasidan shaxsiy mas'uliyat xarid komissiyasi raisi va a'zolarida ekanligi tushuntiriladi;

**Bundan tashqari uchinchidan,** loyiha taqdim etuvchiga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-sonli "Davlat budjetining g'azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori talablari asosida G'aznachilik bo'limidan majburiy tartibda ro'yxatdan o'tkazish lozimligi, ushbu shartnoma ro'yxatdan o'tkazilgandan so'ng kuchga ega bo'lishi to'g'risida ma'lum qilinadi.

*Izoh: Shartnomaning moliyaviy jihati bilan bog'liq masalalar huquqiy ekspertiza predmetiga kirmaydi.*

Yangiyo'l tuman adliya bo'limi  
yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti



S.Mamatqulov  
22.09.2022